Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 80 (7220). ● 25 апрель, 1980 йил ◆ ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ВА УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ! УНИ ИНДУСТРИЯЛАШ ВА ХИМИЯЛАШ, ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИНГИЗ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЛЕНИН БАЙРОҒИГА САДОҚАТ

Партиямиз, совет халқи, бутун прогрессив инсоният В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини тантана билан нишонладилар. Ленинга бўлган иззат-ҳурмат ва меҳр-муҳаббат қалб сўзлари планетанинг ҳамма томонларида жаранглямоқда.

Ленининг номи ва иши барҳаётдир. Партиямиз ва халқимиз доҳийнинг васиятларини амалга ошира бориб жуда катта йўлни босиб ўтдилар, тарихда ҳали мисли кўрилмаган етук, ривожланган социализм жамиятига эришдилар. Биз қонуний ифтихор билан шуни айтамизки, муваффақиятларимизнинг ҳаммаси — КПССнинг халқ оммаси орзу-умидлари ва манфаатларига мос келувчи бирдан-бир тўғри, теран илмий сиёсати амалга оширилаётганлиги якунидир. Бу сиёсатнинг моҳияти—Ленин байроғига садоқатдир. Ильич орзу қилган ишларнинг ҳаммаси амалга оширилмоқда.

Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Илғор совет фани ва маданияти эришган ютуқлар улуғвор, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсиб бормоқда. Совет жамиятининг гоявий-сиёсий, социал, интернационал жипслиги, унинг бирлиги мустаҳкамдир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг таъбири билан айтганда, «Бу — социализмнинг ноёб мулки, бизнинг бебаҳо, енгилмас кучимиз», «Социалистик давлатимиз қудратининг мустаҳкам пойдеворидир».

Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги умумхалқ байрами совет кишиларининг Ленин партияси теварагида гоят мустаҳкам бирлигини, жипслигини кўрсатувчи унутилмас намойишга айланиб кетди. Совет кишиларининг шонли зафарлари: Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ниҳоятда кенг кулоч ёзганлиги, миллионларнинг зардоб меҳнати ва Бутуниттифоқ ленинча шанбалик куни ҳар бир киши умум фойдасини кўзлаб ғайрат шижоат билан ҳолисона ишлаганлиги шундан яққол далолат беради.

Доҳий юбилейнинг байрам қилиниши халқимизга хос тарихий умидворликнинг теранлигини, халқимиз Ленин иши тантанасига астойдил ишонганлигини яна бир бор кўрсатди. Кечаги кунда ленинизм Октябрнинг ғалабасида ва жаҳонда биринчи социалистик жамият қурилишида мужассамлашган, озодлик ва социал адолатга қудратли даъват этиб юз миллионлаб кишиларни қурашга отлантиргани бўлса, бугунги ленинизм—социалистик давлатлар ҳамкорлигида ўз ифодасини топган реал социализм, қудратли коммунистик ва озодлик ҳаракатини, мустамлакачилик ҳукмронлиги тугатилганини ва ўз тақдирини ўзи белгилаган янги мустақил давлатларнинг ташкил топганини, кучлар нисбатининг социализм ва тинчлик фойдасига тубдан ўзгарганлиги ҳамда урушни инсоният ҳаётидан чиқариб ташлаш мумкинлигини билдиради. Ленинизмнинг эртанги куни мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этилишини, бошқа қўпгина мамлакатларда социализм тантана қилишини, социал ва миллий озодлик лиги ғалабаларга, мустаҳкам ва адолатли тинчлик ҳамда халқлар ҳамкорлиги учун курашда муваффақиятларга эришажагини билдиради.

Бизнинг ютуқларимиз улуғвор бўлсада, ривожланган социализм жамияти олдига қўйилаётган вазифалар ҳам миқёси ва мураккаблиги жиҳатидан мислсиздир. Улуғ Ленин кўрсатган коммунистик бунёдкорлик мақсадларининг кўпчилигини айни шу босқичда амалга оширишга тўғри келади.

Иқтисодий қурилиш коммунизм тантанаси йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ленин васиятларига содиқ бўлган партия асосий куч-ғайратини экономикага раҳбарликни такомиллаштиришга қаратмоқда. В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, бу — бизнинг энг асосий, энг мароқли ва тарихий тажриба кўрсатаётганидек, энг мураккаб сиёсатимиздир.

Партиянинг ўсишнинг интенсив, сифат омилларидан ҳар томонлама фойдаланишга, самарадорлик ва сифатни оширишга қаратилган ҳамда КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган иқтисодий стратегияси Ленин ғояларининг ижодий ривожлантирилиши демакдир. Партиянинг хўжалик механизмини такомиллаштириш масалаларига доир қарорлари новаторлик руҳи билан суғорилган бўлиб, етилган проблемаларга дадил ёндошади.

Партия илмий асосланган иқтисодий стратегияни илгари суриб уни амалда рўёбга чиқаришнинг конкрет йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Даставвал бу — планлаштиришни ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш, иштимоий меҳнатанинг ҳамма соҳаларида уюшқоқлик ва аҳиллик даражасини ошириш, бизнинг ниҳоятда мураккаб хўжалик организмимиз барча бўғинлари ҳаракатларини аниқ—пухта мувофиқлаштириш йўлларидир. КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумида партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга оширишни халқ хўжалигида юксак пировард натижани таъминловчи тўғри тактикавий қарорлар билан мустаҳкамлаши керак бўлган давлат ва план-хўжалик бошқарув ходимларининг масъулияти нақадар юқори эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳар бир тармоқ шундан ишлашга, ҳар бир коллектив мана шунга интилиши лозим.

Партия марказлаштирилган раҳбарликни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бирга сиёсатда ҳам, экономикада ҳам қуйидан ташаббусга кенг имконият яратиб берувчи демократик централизм зарурлигига амал қилади. В. И. Ленининг омманинг жонли ижоди «янги жамиятнинг асосий омилидир», деган кўрсатмаси—жамиятга раҳбарликни такомиллаштириш соҳасида КПСС бутун фаолиятининг энг асосий принципидир.

Партия оммаининг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини муттасил ўстириш учун, давлат ишларини, ишлаб чиқаришни, жамиятни мустақил ва бевосита бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенгроқ қатнаштириш учун сабот билан қурашмоқда. Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида социалистик демократиянинг муттасил чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши билан рағбатлантирилаётган оммаининг айни жонли ижоди онгли, ихтиёрий меҳнат интизомини шакллантириш ва мустаҳкамлашда, меҳнатга коммунистик муносабатнинг узил-кесил ғалаба қозонишида ҳал қилувчи куздир.

Совет халқи жонажон партияга астойдил ишонади, унинг сиёсатини зардоб меҳнати билан қўллаб-қувватлайди. Совет халқи ана шу меҳнатнинг натижалари, Ленин васиятларини амалга ошириш йўлидаги муваффақиятли кураш Ватанимизни социал тараққиётнинг энг олдинги марраларига олиб чиқишини билади. Оммаининг онглилиги ва уюшқоқлигини, уларнинг активлигини тинимсиз ошириш, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг юксак бурчидир.

Революцион ўзгартувчилик практикасида чиниққан партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги—Ленин васиятларини бажаришнинг асосий якунларидан бири, шу билан бирга улуғ Ленин ғоялари ва ишлари бундан бўёнги ғалабаларнинг ишончли гаровидир.

(«ПРАВДА» газетасининг 24 апрель сони бош мақоласи).

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг У. Исроилов бошлиқ бригадаси пахтакорлари чигитни бир текис ундириб олдилар. Улар ҳозирги кунларда ғўза парваришини бошлаб юборишди. Бригада коллективи бу йил 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш чораларини кўрмоқда. Суратларда: бригада далаларида ғўза қатор ораларига ишлов бериш пайти; илғор механизатор Х. Миртурсунов. А. Абалян фотолари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

24 апрелда Тошкент область партия комитетининг Пленуми бўлди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов саноатга раҳбарлик даражасини ошириш ва КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича область партия комитетининг комплекс тадбирлар планини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари И. Г. Анисимкин, А. А. Хужаевлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Совет кишилари, таъкидлади ўртоқ М. М. Мусахонов, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган янги ҳаракат программаси билан қуролланиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олдилар.

Партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси бўлган улуғ доҳий юбилейнинг байрам қилиниши меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, барҳаёт Ленин ишининг содиқ давомчиси, замонамизнинг буюк сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси тевараги мустаҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойиши бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети В. И. Ленин васиятларига қатъий амал қилиб, халқимизни Ленин йўлидан коммунистик жамият тантанаси сари собит қадам билан бошлаб бормоқда.

Совет кишилари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, хўжалик қурилишнинг барча жабҳаларида юксак марраларни эгалладилар, экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун бораётган умумхалқ курашига тобора кўпроқ ва салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги вақтдаги республика экономикаси қудратли ишлаб чиқариш, энергетика ва илмий-техника комплексидан иборат бўлиб, унда социалистик индустриянинг энг замонавий тармоқлари бунёдга келтирилган ва жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Республикамиз саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ортиш суръатлари жиҳатидан мамлакатда олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Улар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини, кўпинча мураккаб об-ҳаво шароитлари бўлишига қарамай, йил сайин муваффақиятли бажармоқдалар. Ўзбекистон халқларининг кўп миллатли аҳли онласи бундай муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Барча республика меҳнаткашлари қатори пойтахт областимиз меҳнатчилари ҳам коммунистик яратувчиликнинг улуғвор планларидан руҳланиб, хўжалик ва маданий қурилишда янги марраларни эгалламоқдалар. Халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида беш йилликнинг тўрт йили плани тўла ва ортиги билан адо этилди. Ўнинчи беш йиллик бошидан бери пландагидан ташқари 593 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Фақатгина ўтган йили планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот миқдори 118 миллион сўмликни ташкил этди. Кўпгина муҳим халқ хўжалик объектлари, уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасалари фойдаланишга топширилди.

Пахта учун машаққатли кураш ғалаба билан якунланди. Давлатга 472 минг тонна «оқ олтин» сотилди. Шунингдек, анча кўп миқдорда ёғ, мева, сабзавот ҳамда чорвачилик маҳсулотлари, каноп, пилла стказиб берилди.

Областимиз 1979 йил якунлари бўйича республика қатори еттинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВҲСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Чорвадорларнинг гўшт, сут ва тухум етиштириши кўпайтириш учун бошлаган ташаббуслари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида юксак баҳо олди.

Ютуқларимизнинг муносиб тақдирланиши янги зафарларга руҳлантирмоқда, беш йилликнинг якунловчи босқичида зафардорчасига, коммунистчасига ишлаш иштиёқини кучайтирмоқда, ўн биринчи беш йиллик учун мустаҳкам иқтисодий асос яратишга сафарбар этмоқда. Областимизнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ғамхўрликлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кундалик эътибори ва ёрдами натижасидир.

Сўнгра докладчи дедики, ўнинчи беш йиллик бошларида область партия комитети КПСС XXV съезди қарорларининг бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар планини ишлаб чиқди эди. Унинг асосий партия съездининг халқнинг моддий фаровонлигини тўхтовсиз юксалишини таъминлаш бўйича кўрсатмаларини амалга оширишдан иборат эди. Бу план бўлимларида саноат, транспорт, алоқа, капитал қурилиши, қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларига партия раҳбарлиги даражасини ошириш, идеология ишлари форма ва методларини такомиллаштириш, меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндошишни таъминлаш, партия комитетларида ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилашга қаратилган бош йўналишлар белгиланди.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик органлари комплекс тадбирлар планига амал қилиб, саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини узлуксиз юксалтиришдан иборат асосий вазифани қатъийлик ва изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Шу ҳужжатга мувофиқ ҳар йили саноатда, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича истиқболли иш планлари ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш коллективлари куч-ғайратини саноат маҳсулоти тайёрлаш ҳажмини янада кўпайтириш, шу билан бирга моддий-техника, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона, юксак самара билан фойдаланишга сафарбар этмоқдалар. Бу саноатда қатор асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган планларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш имконини бермоқда.

Тошкент, Чирчиқ, кўпгина бошқа шаҳарлар ва районлардаги 140 корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш сўръатлари бўйича беш йиллик топшириғини ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйди. Ўтган тўрт йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 22,7 процент ошди. Шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги 15,9 процент, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 39,2 процент ортди.

Область корхоналарида 400 га яқин янги машиналар, приборлар, аппаратлар ва оммавий эҳтиёж бўлган турли-туман бошқа буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Беш йиллик планда назарда тутилганидек қора металлургия, химия, машинасозлик ва металл ишлаш каби етакчи тармоқлар жадал суръатлар билан юксалмоқда.

Шу йилнинг биринчи кварталида ҳам саноатда маълум ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Кўпчилик муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича план муддатидан илгари — 28 мартда бажарилди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, Ангрен кўмир разрези, «Қизил тонг» тикувчилик, «Малика» трикотаж фирмалари, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер бирлашмаси ва бошқа қатор корхоналарнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари юксак натижаларга муттасил эришишга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни моҳирлик билан олиб бормоқдалар.

Лекин, область саноатига партия раҳбарлиги даражасси, ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг1979 йил ноябрь Пленуми талабларига тўла жавоб бераётгани йўқ.

(Давоми 2-бетда).

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИДА

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

«ТАШПЛЕМШЕЛК» совхозининг қурт уруғи тайёрловчи цехи ишчилари социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар бу йил хўжаликларга тарқатиш учун 30 минг қути қурт уруғи тайёрлашлари лозим эди. Кўпгина ишлар механизациялаштирилганлиги туфайли республикада биринчи бўлиб 35600 қути қурт уруғини тайёрлашди. Хўжаликларга сотиш учун 1400 сўмлик қурт уруғи ҳозирлаб қўйилди.

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

«ЛЕНИНГРАД» колхозининг деҳқонлари ўтган йилда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу йилги дала ишларини қулай муддатларда обитобида амалга оширишяпти. Эртаги карам экиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказилганлиги учун 53 гектар майдондаги карам кўчатлари бараваг ривожланмоқда. Шунингдек, 86 гектар майдонга пиёз уруғи сепиб қўйилди.

ГЎШТ — ДАВЛАТГА

ЖАМОАТ чорвачилиги равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган «Чорвоқ» совхози ишчилари қабул пунктларига пландаги 240 ўрнига 343 центнер гўшт стказиб бериб, биринчи квартал планини шараф билан адо этишди.

Учинчи беш йилликнинг якунловчи йилида истеъмолчиларга кўлаб миқдорда юқори сифатли гўшт стказиб беришга қарор қилган чорвадорлар ўзаро мусобақани янада авж олдирмоқдалар.

ЕШ ДЕҲҚОНЛАР АНЖУМАНИ

ЎТГАН ЙИЛИ райондаги қишлоқ мактабларида 11 та маккажўхорикорлик, 5 та завлагикорлик ва 6 та боғдорчилик ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари фаолият кўрсатди. Райондаги мавжуд хўжаликлар далаларида 1100 нафардан ортиқ ўқувчи меҳнат қилди ва уларнинг кучи билан 2200 тонна сабзавот, 135 тонна мева йиғиштириб олинди.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг якунда бўлиб ўтган слётида бу йилги режалар белгилаб олинди. Беш деҳқонларнинг бу анжуманида район партия комитетининг секретари Н. В. Солдатова, район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Тўраевлар иштирок этишиб, навбатда турган вазифалар ҳақида гапирдилар. Слёт қатнашчилари райондаги барча ўқувчиларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

И. ПИРМЕТОВ.

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР ҲИММАТИ

ЖАМОАТ чорвачилигини жадал ривожлантириш учун изчил кураш олиб бораётган Бўстонлиқ районн бўрдоқибоқарлари давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан илгари ортиги билан бажардилар. Қабул пунктларига 5500 центнер гўшт стказиб берилди. Бу 3 сйлик халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан 1190 центнер кўп, демакдир.

Район бўрдоқибоқарларининг бу муваффақиятига квартал планларини 2 ойда бажарган Калинин номли, Карл Маркс номли, Фрунзе номли колхозлар ҳамда «Правда» газетасининг 50 йиллиги», «Чорвоқ» совхозлари коллективлари муносиб улуш қўшдилар.

Калинин номли колхоз бўрдоқибоқарлари биринчи кварталда 180 центнер ўрнига 283 центнер гўшт стказиб беришган бўлса, «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози чорвадорлари давлатга 345 центнер гўшт топшириб квартал планини 172 процентга стказиб бажардилар.

Гўштга топширилаётган чорва молларининг тирик вазни ҳам ўтган йилдагидан анча салмоқли бўлди. Гўштга топширилган қўйларн нтирик вазни район бўйича ўртача 44 килограмм ўрнига 47 килограммдани ташкил этди. Шунингдек қўчқорларнинг тирик вазни 98 килограмм ўрнига 104 килограммга етказилди.

А. ИБРОҲИМОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

ФАЙЗЛИ ДАЛАЛАР

КУМ-КУК яшилликка бурканган даладан трактор бир маромда юриб бораяпти. Механизатор йигит дамба-дам ортига ўгирилиб, эгатларга кўз ташлайди. Иш сифатли бажариляптими?

Колхоз раиси Фаттоҳ ака Абдиқосимов:

— Бу далалар биринчи бригадага қарашли, — деб тушунтирди бизга, — ўтган йили 10 гектар ердан 500 тонна ҳосил олинди. Бу йилги марра 600 тонна. Миришкорлар дала ишларини барвақт бошладилар. Мана, карам ниҳоллари дуркун ўсмоқда. Ҳозиргача икки марта культивациядан чиқарилди.

Тракторчи карта чеккасига келиб тўхтади. Раис у билан бизни таништирди. Эркин Кумишбоев. Пешқадамлардан. Нормасини доимо ортиги билан бажаради. Ҳар куни ўн икки гектардан ортиқ майдонга ишлов бермоқда. Унинг ҳамкасблари Аҳмад Муродов, Қўлдош Мўминов, Маҳкам Жумановлар ҳам ғайрат қилишяпти.

Механизаторнинг тошилиб турганлиги сезилмоқда эди. У биз билан ҳайрлашиб, трактورга ўтирди. Машина бир силкинди-да, эгат бўйлаб оҳиста юриб кетди.

Биз колхознинг бошқа бригадаларида ҳам бўлдик. Ҳамма ерда иш қизғин эди. Бир картада пишиб етилган редискалар узилиб, шаҳарликлар дастурхонига етказиб бериш учун тайёргарлик кўрилаётир. Иккинчи картада эса помидор кўчатларига ишлов берилаётир.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сабзавоткорлари ўтган йили 5070 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етиштирган эдилар. Бу йил улар янги марраларни кўзлаб меҳнат қилаётирлар. Жумладан, 1300 тонна карам, 1950 тонна помидор, 185 тонна бодринг, 110 тонна пиёз етиштириш учун аҳд қилганлар.

Бунинг учун ҳамма имконият бор. Ердан, ўғитдан, қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланиш тадбирлари кўрилмоқда. Деҳқонлар илғор сабзавоткорларнинг ташаббусига кўшилиб, ҳосилдорликни кескин ошириш, маҳсулот сифатини арзонлаштириш учун курашмоқдалар.

Колхозда бу йил 12 тонна пилла етиштириш мажбуриятн олинган. Айни кунларда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилаётир. Ҳанифа Маҳкамова, Шарофат Солиҳова, Лаъли Маҳкамова каби пиллакорлар илғорлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнат қилаётирлар.

Қ. ОРИПОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Бошы 1-бетда)

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективи томонидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш сиҳат белгиси билан таҳлилланмоқда. Тошкент агрегат ва Чирчиқ трансформатор заводларида, «Средазкабель» бирлашмасида ва қатор бошқа корхоналарда бундай маҳсулотнинг солиштирма ҳажми 40 процент ва ундан ҳам ортиқроқни ташкил этяпти. Бундай натижаларга эришишга илмий-техника ва Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятлари область советларининг ташкилотлари сезиларли ёрдам бермоқдалар.

Лекин стандартлар, технологик инструкцияларга риоя қилишга нисбатан суст талабчанлик оқибатида сифати паст маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда. Тракторлар, культиваторлар ва бошқа қатор маҳсулот турларига рекламациялар тушмоқда. Қатор пойафзал ва мебель корхоналарининг кўпгина буюмлари аҳоли томонидан кам харид қилинмоқда.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш учун барча лавозимдаги хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари керак.

Областда материаллар, ёқилғи ва энергияни иқтисод қилиш учун кўпгина ишлар қилинаяпти. Лекин, ресурслари тежаш бўйича мавжуд резервлар тўла фойдаланилаётгани йўқ. Қатор шаҳарлар ва районлар, айниқса Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ корхоналарида ҳом ашё ва материалларни сақлаш ва фойдаланишда камчиликлар содир бўляпти, электр ва иссиқлик энергиясидан ортиқча сарфланмоқда.

Урток Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида таъкидлаганидек, ёқилғини тежаш ҳақида фақат хўжалик ташкилотларигина эмас, шу билан бирга юқоридан пастгача — барча партия ва совет органлари ҳам қайғуришлари лозим. Шунинг учун ҳам барча коммунистлар, ҳар бир коллектив, ҳар бир меҳнаткашнинг куч-ғайрати ана шу масалани ҳал қилишга қаратилиши лозим.

Область партия комитети, кўпгина партия, совет, касаба союз органлари ва хўжалик раҳбарлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, барча аҳоли табақаларининг бундай маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжларини тўла қондириш бўйича комплекс планда белгиланган тадбирларни доим диққат-эътибор марказида тутмоқдалар.

Областда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи қувватлар кенгайтирляпти, кўпгина корхоналарнинг мавжуд ишлаб чиқаришлари реконструкция қилинмоқда.

Оғир индустрия корхоналари маданий-маиший ва уй-рўзғор эҳтиёжлари учун товарлар ишлаб чиқаришни тез ривожлантирмоқдалар. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 20 га яқин шундай товарлар тайёрланмоқда. Бекобод металлургияси ишлаб чиқараётган сирланган идишлар аҳоли томонидан кўплаб харид қилинмоқда.

Амалга оширилган ишлар бешинчи йилликнинг тўрт йилида оммавий талаб товарларини ишлаб чиқариш бўйича план топшириқларини деярли 116 миллион сўмлик ошириб бажариш имконини берди. Лекин, барча корхоналар ҳам халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда мавжуд имкониятлардан лозим даражада фойдаланаяптилар, деб бўлмайди. Тошкентдаги ошхона мебели заводи қувватининг ярми даражасида ишлаяпти. Тошкент маҳаллий саноат корхоналарида қувватлар қониқарсиз фойдаланиляпти.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш давомида саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан ҳом ашё сифатида фойдаланиш миқёсларини кенгайтириш зарур.

План интизомига риоя қилиш юзасидан талабчанликни ошириш керак. Машинасозлик ва металл ишлаш, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина корхоналари номенклатура ва кооперация асосида маҳсулот етказиб бериш планларининг бажармаётганлигини нормал ҳолат деб бўлмайди.

Кўрилган чораларга қарамасдан йил давомида корхоналар планларини ўзгартираверишдек қораланган практика ҳамон давом этмоқда. Бу ишлаб чиқаришни пухта ташкил этишга гов бўлмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини қатъий суръатлар билан ошириб бориш ва план топшириқларини бир маромда бажаришни таъминлаш имкониятларини бермаяпти. Айниқса, республика озиқ-овқат саноати ва биноқорлик материаллари саноати министрликлари корхоналарида бундай аҳвол тез-тез содир бўлмоқда.

Сўнгра докладчи меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш зарурлигига эътиборни қаратди.

Партия, совет органлари, касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат олиб боришлари, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда иш вақтининг фойдасиз йўқотилишини бартараф этишга қаратилган ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашлари лозим.

Социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш масалалари партия ташкилотларининг белгиланган планларнинг бажарилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, ходимларнинг ижодий активлиги ва ташаббусини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларида муҳим ўрин эгаллайди.

Область саноатида социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати тобора кенг қулоч ёзмоқда. Ҳозирги вақтда шахсий мажбуриятлар олиб мусобақалашаётганлар сафида 355 минг киши бор, шундан 148 минг киши коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳисобланади.

Деярли барча саноат корхоналари, саноатнинг 103 минг ишчи ва хизматчиси янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлаш» бўйича бошлаган ташаббусига бўшилишган. Саноат корхоналарининг 4,3 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш новаторларининг бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш юзасидан бошлаган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббусини қўллаб-қувватлади, уларнинг 3 мингга яқини бу мажбуриятни муваффақиятли бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Ҳозирги вақтда 2 минг бригада, участка, смена «Беш йилликни тўрт йилда бажарамиз!» шиори остида мусобақалашиб, зиммага олган мажбуриятларини бажардилар.

В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигигача шахсий беш йиллик топширигини мусобақа яхши натижа берди. Саноат ишлаб чиқаришининг 50 мингга яқин пешқадами шу санада ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси А. С. Верзилинанинг «Ёш ишчи мураббийга тенглашсин!» шиори остида бошлаган ва Тошкент область партия комитети томонидан маъқулланган ташаббуси тажрибали ишчилар, меҳнат ветеранлари ўртасида кенг қўллаб-қувватланди. Тўқувчининг 36 мингдан ортиқ издошлари 51 минг ёш ишчига оталиқ қилмоқдалар. Шунингдек, «Касби бўйича моҳир ишчи», «Аъло сифат бригадаси», «Олтин қўлли мастер» ва бошқа шу каби номни олиш учун мусобақа оммавий тус олди.

Лекин, ачинарлиси, шундаки, мусобақа эскича, кўпинча номигагина ташкил этилган коллективлар ҳам йўқ эмас. Бундай коллективларда ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли бажаришнинг бу самарали воситасидан фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти.

1979 йил Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаси якунлари бўйича кўчма Қизил байроқларни олишга сазовор бўлган коллективлар иш тажрибасини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштириш лозим.

Саноатнинг бир маромда ишлашини таъминлашда, дейди сўнгра докладчи, транспорт ва алоқа корхоналари катта роль ўйнайди. Бу тармоқ ходимлари саноат корхоналари коллективларига унумли ишлаш учун қулай шароитларни вужудга келтиришга кўп куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Қатор саноат, автомобиль ва темирйўл транспорти корхоналари коллективлари бригаликда юкларни жўнатиш ва вагонларни ўз вақтида бўшатиш бўйича комплекс социалистик мажбуриятларни олмоқдалар. Кўрилаётган тадбирлар вагонларни юкдан бўшатишни ва вагонларни корхоналарга тайёр маҳсулотларни ортиш учун ётказиб беришни тезлаштиришни таъминлаш имконини бермоқда.

Лекин, шундай ҳоллар ҳам содир бўлмоқдаки, саноат корхоналари вагонлар ва автомашиналарни тасдиқланган планлар ва заявкалар бўйича ўз вақтида олишмаяпти. Вагонларнинг юк тушириш вақтида кўп туриб қолиши ҳамон давом этмоқда.

Алоқа корхоналари коллективлари ҳали кўп иш қилишлари керак. Янги телефон станцияларини ишга туширишда ва қувватларни тезроқ ўзлаштириш, алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини муттасил ошириш алоқачиларнинг биринчи даражали бурчидир.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари капитал қурилишини такомиллаштириш, унинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни тўхтовсиз амалга оширмоқдалар. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг аниқ мақсадга қаратилган ишлари қурилиш ва монтаж ташкилотларига қурилишни ташкил этиш ва сифатини муттасил ошириш, бажараётган иш ҳажмини кўпайтириш имконини бермоқда.

Область бинокорлари беш йиллик бошидан бери 4 миллиард сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирдилар, шу вақт ичида асосий фондлар 3,5 миллиард сўмга кўпайди. Ҳар йили ўнлаб саноат корхоналари, цехлар ва объектлар ишга туширилмоқда, уларнинг анчагина қисми муддатидан илгари юксак сифат билан фойдаланишга топширилмоқда. Бу ана шу ишлаб чиқаришларнинг лойиҳадаги қувватларини барвақт ўзлаштириш учун имконият вужудга келтиряпти.

Масалан, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида сульфат аммоний ишлаб чиқарувчи комплекс, Олмалиқ химия заводида фосфор кислотаси ишлаб чиқарувчи қувватлар, Олмалиқ конметаллургия комбинатида мис саралаш фабрикасининг навбатдаги конвейер линияси муддатидан икки-уч ой илгари — В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги кунида фойдаланишга топширилди. Шоҳли сана арафасида қурилаётган Ғазалкент ГЭСида Чирчиқ дарёси ўзани беркитилди.

Область меҳнаткашлари ўтган тўрт йилда 4 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, 92 минг ўринли мактаблар, 32 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 3766 ўринли касалхоналар ва 5900 кишига хизмат кўрсатувчи поликлиникаларни олдилар. Қишлоқда шаҳар типидаги посёлкалар қурилиши кенг миқёсларда олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди.

Мавжуд саноат корхоналарини реконструкция қилиш, техник қайта ускуналаш ва кенгайтириш ишлари тобора тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Саноатни ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағларнинг 60 процентга яқини шу мақсадларга сарфланмоқда.

Область партия комитетининг комплекс тадбирлар планига мувофиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, Тошкент трактор заводи, Ангрен кўмир разрези каби йирик корхоналар ва бошқа шу каби корхоналарни реконструкция қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш тўғрисидаги қарорларининг бажарилишига доим катта эътибор берилмоқда ва муттасил назорат олиб бориляпти.

Корхоналар партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари қурилиш ташкилотлари билан бригаликда бу муҳим ишда тартиб ўрнатишлари, реконструкция қилиш учун ажратилаётган воситалардан самарали фойдаланишга янги объектлар ва мавжуд ишлаб чиқаришларда янги қувватлар ўз вақтида фойдаланишга топширилиши ва ўзлаштиришлигига эришишлари лозим.

Қурилиш индустрияси ва биноқорлик материаллари саноати ишидаги камчиликларни бартараф этиш лозим. Чунки, биноқорлик ва монтаж ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Биноқорлар бу йил Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва химия заводида қатор қувватларни фойдаланишга топширишлари, Оҳангарондаги «Сантехлит» заводини ва бошқа қатор саноат объектларини реконструкция қилишни тугаллашлари лозим. Уй-жой, социал ва маданий-маиший ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида қатор объектларни қуриш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари керак.

Умуман беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши, таъкидлади Ўртоқ М. М. Мусахонов, кўп жиҳатдан илмимиз якунларига боғлиқдир.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари оммаларнинг меҳнат активлигини қатъийлик билан ривожлантиришлари, уюшқоқлик ва интизомни кучайтиришлари, кадрларнинг тошириларган иш учун шахсий масъулиятини оширишлари, орқада оқсаётган айрим тармоқларнинг қолоқлигини бартараф этишлари керак.

Иктимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг барча тармоқларидаги бир маромда ишлашини таъминлаш доим идеология кадрларининг диққат марказида турмоғи лозим.

Кўпгина партия ташкилотлари, идеология ходимлари партиявий таъсирнинг барча каналлари, матбуот, радио, телевидение, оғзаки, кўргазмали пропаганда ва агитация кучларидан, маданий-оқартув муассасалари имкониятларидан, меҳнат коллективларининг ижодий активлиги, ҳар бир ходимнинг ташаббускорлигини ошириш учун фойдаланишга эришмоқдалар.

Лекин, сиёсий агитация ҳамма жойда ҳам кишиларни сафарбар этиш, тарбиялаш ва назорат қилишнинг таъсирли воситаси сифатида тўла намоён бўлмаяпти. Ангрен шаҳри, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл районларида илғорлар тажрибаси ва фан-техника билимлари пропагандаси, халқ хўжалигини бошқариш масалалари, саноат, транспорт ва қурилиш экономикасига онд лекциялар кам ўқилмоқда. Кўргазмали агитациянинг сафарбар этувчилик қучидан ҳамма жойда ҳам самарали фойдаланилмаяпти.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари область партия комитетининг комплекс тадбирлар планига мувофиқ идеологик таъсир кўрсатишнинг барча воситаларини меҳнаткашларни фидокорона меҳнат қилишга, 1980 йил ва умуман беш йиллик планлари, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишига, ишлаб чиқариш коллективларида меҳнат интизоми ва социалистик ахлоқ нормаларини бузувчиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришга қаратмоқлари керак.

Область саноатига раҳбарликни яхшилаш бўйича вазифаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши ташкилий-партиявий ишлар форма ва методларини янада такомиллаштириши талаб этади.

Шаҳар ва район партия комитетлари барча масалаларни ижодий, партиявий жанговарлик билан ҳал қилишлари, совет, хўжалик раҳбарларидан хўжалик қурилишининг жорий ишлари ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли проблемаларига чуқур таҳлилий муносабатда бўлишни талаб этишлари, коммунистлар, барча меҳнаткашлар куч-ғайратини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини яхшилашга қатъий йўналтиришлари лозим.

Ташкилий ишлар марказини бевосита меҳнат коллективларига кўчириш, бошланғич, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг саноат ишини такомиллаштириш, юксак сифат кўрсаткичларини таъминлашдаги роли ва таъсирини ошириш зарур.

Партия комитетлари, партия бюролари коммунистларнинг топширилган участка учун масъулиятини оширишлари лозим. Кенг активга, маъмурият фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияга сўнгги ҳолда ҳамма жойда ишлаб чиқариш топшириқларини бажармаётган, интизомни бузаётган, бракка йўл қўяётган кимсаларга нисбатан юксак талабчанлик муҳитини яратиш керак.

Раҳбар кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, саноат корхоналарини қобилиятли, малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш масалаларига муттасил эътибор бериш зарур.

Бу масалаларда халқ контроли органлари актив ҳаракат қилишлари керак. Чунки, халқ контроли ҳақидаги Қонунда уларга турли хил камчиликлар ва нуқсонлар билан кураш бўйича кенг ҳуқуқлар берилган.

Халқ депутатлари Советлари саноатни бошқаришни такомиллаштириш масалаларининг бутун комплексини ҳал қилишда актив қатнашмоқлари керак.

Касаба союз ва комсомол ташкилотлари беш йиллик якунловчи йили планларини бажариш, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида ишга ижодий муносабатда бўлиш вазиятини яратишда катта роль ўйнайдилар. Бу ташкилотлар социалистик мусобақани авж олдириш, рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатини кенгайтириш, ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ёйиш, кенг омманинг хўжалик вазифаларини ҳал қилишдаги активлигини ошириш бўйича ўз ишларини ишчанлик ва ташаббускорлик билан олиб боришлари лозим.

Ўртоқ М. М. Мусахонов сўзининг охирида, пойтахт областининг барча меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг улуғвор яратувчилик программасини амалга ошириш учун ўз куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини аямайдилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини янги меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирди.

* * *

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** биринчи бўлиб минбарга чиқади.

— Ўзбекистон пойтахти коммунистлари, меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини зўр кўтаринкилик билан нишонладилар. Улар беш йилликнинг тўрт йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажардилар. Шаҳар меҳнаткашлари шу йилнинг биринчи кварталида маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан илгари — 28 мартда адо этдилар.

Сўнгра нотиқ ҳал қилинмаган масалалар ва камчиликлар ҳақида гапирди. Айрим корхоналар беш йиллик топшириқларидан орқада қолмоқда. 47 корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича топшириқнинг бажарилишини таъминламади, уч корхона эса маҳсулот реализациси планининг уддасидан чиқмади. Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ана шу камчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўрадилар. 1980 йилни ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун мусобақани тобора кенг авж олдирадилар.

— Районимизда саноат ишлаб чиқариши тобора ривожланмоқда,— дейди Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. Э. Эгамбердиев.**— Ўтган тўрт йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 20 процент ортди. Кўпгина социал-маиший, чорвачилик объектлари фойдаланишга топширилди.

Лекин, бир қанча корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармади, саноат маҳсулоти ҳажмини ошириш суръатларини пасайтириб юборди. Ачинарлиси шундаки, ишлаб чиқариш планларини асоссиз равишда қайтадан камайтириб белгилаш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Бу соҳада тартиб ўрнатиш керак.

Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси **В. Н. Журавлев** ўз сўзини коллектив ишини таҳлил қилишга бағишлади. Бу корхона 1978 йилнинг май ойидан бери коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни оқлаб келмоқда. Самолётсозларнинг шоҳли коллективи топшириқларни тўла ва ошириб адо этяпти. Беш йилликнинг тўрт йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Шу йилнинг биринчи кварталида ишлаб чиқариш программаси ҳам муваффақиятли якунланди.

Бирлашма партия ташкилоти янги техникани жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш бўйича катта ишларни олиб бормоқда. Лекин, барча резервлардан тўла фойдаланилаяпти, деб бўлмайди. Корхонада кўнгилдагидек ишламаётган участкалар, сменалар, бригадалар ҳам йўқ эмас. Партия комитети, барча коммунистлар ана шу камчиликларни бартараф этишга, ўн биринчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун мустаҳкам замин яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводи электр слесари **Л. Ф. Чередникова** сўзи зўр қизиқиш билан тингланди. У ўз бригадасининг иш тажрибаси ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

Область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Бранлов** шоҳли Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақанинг боришидаги касаба союз ташкилотларининг фаолиятини таҳлил қилди. Ҳозирги вақтда ишчиларнинг 96,5 проценти мусобақада қатнашмоқда. Касаба союзлари партия ташкилотлари ёрдамида меҳнат рақобатининг таъсирчанлигини, ошкоралигини ошириш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёйиш юзасидан кўпгина ишларни қилдилар.

Нотиқ барча касаба союз ташкилотлари ҳам ишчи-хизматчиларнинг унумли ва хавфсиз меҳнат қилиши учун зарур шароитларни яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар деб бўлмайди, деди. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш маданияти бўйича ўтаётган жамоат кўриги кўп жиҳатдан шу муҳим ишдаги камчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек музокараларда «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси 9-шахтасининг мустаҳкамловчиси **У. Н. Бердиев,** Оҳангарон цемент комбинати машинисти **С. П. Мясникова,** Тошкент область гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Х. А. Йўлдошев,** Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 160-трести бошқарувчиси **А. К. Керимов**лар ҳам иштирок этдилар.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари ва саноат корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу йилнинг биринчи кварталида ишлаб чиқаришнинг янада ривожланишини таъминладилар. Умуман саноатда маҳсулот реализацияси ҳажми юзасидан бирлашмалар ва корхоналар учун белгиланган план бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 процентни, меҳнат унумдорлигининг ортиши эса 2,6 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши 63,4 процент бўлди.

Қора металлургия, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, енгил саноат жадал суръатлар билан ривожланди. Химия ва нефть химияси, биноқорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати янада ривожланди.

Маданий-маиший эҳтиёжлар учун ва рўзғор товарлари ишлаб чиқариш, комплектлаштирувчи узеллари ва деталлари билан, 12 процент ошди.

Область шаҳарлари ва районлари бўйича маҳсулот реализацияси планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

	маҳсулот ҳажми бўйича квартал планининг бажарилиш проценти	1980 йилнинг 1 кварталида 1979 йилнинг 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	меҳнат унумдорлиги бўйича
Шаҳарлар:			
Олмалиқ	100,8	93	91
Ангрен	103	107	104
Оҳангарон	104	109	108
Бекобод	102	109	106
Чирчиқ	102	103	103
Янгийўл	102	106	106
Районлар:			
Оққўрғон	101	118	120
Оҳангарон	104	101	87
Бекобод	102	112	111
Бўстонлиқ	108	84	81
Бўка	102	103	105

ИНДУСТРИЯМИЗНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ САНОАТИДА 1980 ЙИЛ БИРИНЧИ КВАРТАЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ғалаба	103	100,3	103
Калинин	103	102	99,8
Коммунистик	104	115	111
Оржоникидзе	103	103	106
Паркент	106	100,7	111
Пискент	100,8	108	115
Ўрта Чирчиқ	102	99,4	88
Тошкент	108	105	104
Чиноз	102	107	106
Янгийўл	104	100,0	98

Область бўйича муҳим саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1980* йил 1 кварталда ишлаб чиқарилган	1980 йилнинг 1 кварталда 1979 йилнинг 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	3,3	91
Кўмир—минг тонна	1493	100,3
Куч трансформаторлари—минг киловольт-ампер	1815,0	104
Брон кабели—минг километр	4,9	105
Компрессорлар — дона	1768	106
Тракторлар—минг дона	6,0	102
Трактор прицеплари—минг дона	9,5	104
Трактор сеялкалари—минг дона	2,3	89
Трактор культиваторлари—минг дона	5,7	108
Пахта териш машиналари—дона	2432	103
Кўрак чувиш агрегатлари—дона	830	143
Электрик кўприк кранлари (мақсуслари ҳам ҳисобга киради)—дона	345	103
Экскаваторлар—дона	388	103
Химия асбоб-ускуналари — миллион сўмлик	7,3	99,0
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	34,2	106
Цемент—минг тонна	612,7	95
Йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари—минг куб метр	554,2	98
Иморатбоп гишт—миллион дона	120	100,8
Пардоз керамика плиталари—минг квадрат метр	334	117
Асбоцемент шиферн— шартли миллион плита	47,2	113
Асбоцемент қувурлари—шартли километр	860	112
Қоғоз—минг тонна	6,2	99,2
Мебель — миллион сўмлик	20,6	126
Каноп толаси—минг тонна	3,3	95
Пахта толаси—минг тонна	42,8	107
Тикувчилик буюмлари (тўла баҳоси бўйича)—миллион сўмлик	62,0	105
Пайпоқлар—минг жуфт	64	97
Ички трикотаж—миллион дона	2,8	106
Устки трикотаж—миллион дона	1,9	109
Чарм пойафзали—миллион жуфт	3,6	103
Гўшт (давлат ресурслари ҳисобига)—минг тонна	13,6	101
Колбаса маҳсулотлари—минг тонна	8,9	99,6
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат ресурслари ҳисобидан) — минг тонна	36,5	107
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари ҳисобидан)—минг тонна	14,8	98
Кондитер маҳсулотлари—минг тонна	23,5	123
Консервалар—шартли миллион банка	17,9	113
Маданий-маиший эҳтиёжлар ва уй-рўзғор товарлари (комплектлаштирувчи узел ва деталлар ҳам ҳисобга киради)—миллион сўмлик	79,1	112

Қатор маҳсулот турлари—трансформаторлар, ҳаво компрессорлари, трактор прицеплари, қишлоқ хўжалиги машиналари, асбоцемент шифери, асбоцемент қувурлари, шунингдек, халқ истеъмоли товарлари—мебель, тикувчилик буюмлари, чарм пойафзали, кондитер маҳсулотлари, консервалар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайди.

Область саноатида асбоб-ускуналар, ҳомашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишлар давом этди.

Юксак сифат категориясидаги маҳсулот ҳажми 1979 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 5 процент кўпайди. Янги прогрессив технологик жараёнлар ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Айни вақтда айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш, маҳсулотни зарур турда ва сифат билан ишлаб чиқариш бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминламади.

Янги ишга туширилган айрим қувватлар сust ўзлаштирилди ва тўла фойдаланилмади.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятларнинг тўла бажарилишини таъминламадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

РСДРП III СЪЕЗДИНИНГ 75 ИЙЛЛИГИ

ЖАНГОВАР КУРАШ ПРОГРАММАСИ

РСДРП III съезди большевиклар партиясининг қаҳрамонона тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Съезд Россияда бошланган революция муносабати билан Ленин ғоялари асосида партиянинг стратегик плани ва тактика йўлини ишлаб чиқди. Бу революция империализм давридаги биринчи халқ революцияси эди.

Съезд 1905 йил 25 апреліидан 10 майнгача давом этди. Россиядан келган бир қатор делегатлар пролетариатнинг, меҳнаткашлар оммасининг чоризм қуролли кучлари билан тўқнашуви таассуроти билан яшаётган эдилар.

Петербургда 9 январь куни подшога ўз талабномаларини топшириш учун саройга йўл олган ишчиларнинг намойиши ўққа тутилганди. «Қонли якшанба» деб аталмиш бу мудҳиш воқеа халқнинг подшо «марҳамати»га бўлган ишончини тағ-туги билан емириб ташлади. Подшонинг ёвузлигига жавобан Петербург ишчилари баррикадалар қуриб, полиция ва қўшинларга қаршилик кўрсата бошладилар. Мамлакатнинг бир неча шаҳарларида иш ташлаш ва намойишлар бўлди. Ишчилар синфининг кураши деҳқонлар оммасини ҳам тўлқинлантириди, армияда ғалаёнларни вужудга келтирди, студентларнинг демократик ҳаракатини фаоллаштирди. Революция тобора авж олиб борди, у ишчилар синфининг революцион шижоати жуда катта кучга эга эканлигини кўрсатди.

Ана шу даврда вужудга келган масалаларнинг янгилиги ва мураккаблиги партия съездини дарҳол чақиришни тақозо этар эди. Аммо, меньшевиклар эгаллаб олган партия марказий муассасалари съезд чақирилишига турли йўллар билан тўсқинлик қилдилар. Партия оғир кризисга дучор бўлди. Тактика масалалари юзасидан турли хил фикрларнинг мавжуд бўлиши ана шу тангликни вужудга келтирди. Меньшевиклар буржуа революциясида буржуазия раҳбарлик ролини ўйнаши керак, деб ҳисобладилар, шунинг учун ҳам улар ишчилар синфининг жанговар шижоатини пасайтиришга интилдилар, пролетар партиясининг омма раҳбари ва ташкилотчиси сифатидаги ролини камситдилар.

Меньшевикларнинг партияга қарши қаратилган бузғунчилик йўли маҳаллий партия комитетларини ғазабга келтирди. Мазкур комитетлар Ленин даъвати билан Россияда ўз бюроларини тузадилар ва РСДРП III съездини чақирдилар. Бу — партиявийлик учун курашда, мустаҳкам революцион йўналишни танлаб олишда қозонилган катта ғалаба бўлиб, тўғаракчилик ва снёсатдаги эгри-бугри йўлларга қарши қаратилган эди.

Съездда ҳал қилувчи овоз билан 24 делегат қатнашди. Улар мамлакатдаги энг йирик саноат марказларида тузилган 21 комитетнинг вакиллари бўлиб, 14 делегат маслаҳат овозига эга эди.

Меньшевиклар кўпчилик партия аъзоларига бўйсунишни хоҳламай, ўз тарафдорларини Женева шаҳрида конференцияга чақирдилар.

Ленин РСДРПдаги бу аҳволни икки съезд — икки партия деб ифодалади.

В. И. Ленин учинчи съезд ишига бевосита раҳбарлик қилди. Протоколларда унинг 140 га яқин чиқиши ва киритган таклифлари ёзиб қўйилган. Съезд қатнашчилари кейинчалик ҳикоя қилганларидек, Ленин съезднинг жондили эди. У ҳамманг, ҳаётни чуқур билиши ҳамда революцион ҳаракатнинг энг мураккаб масалаларини чуқур таҳлил қилиши билан ҳайратга соларди.

Съезд турли синфларнинг туб иқтисодий ва социал-снёсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз стратегик планини ишлаб чиқди. Бу планда буржуа демократик революциясида ишчилар синфининг гегемон бўлиши кўзда тутилган эди. Ана шу планга мувофиқ партиянинг тактика йўли белгиланди, оммавий-снёсий иш ташлашдан қуролли кўзғолонга ўтиш йўли белгиланди.

Оммаонинг революцион ташаббускорлиги ва ғайратини ошириш мақсадида съезд революцион йўл билан саккиз соатлик иш кунини дарҳол амалга ошириш шиорини, ишчилар синфи, революцион деҳқонлар комитетлари ташкилотларининг бошқа энг муҳим талабларини олдинга сурди.

РСДРП III съезди ҳар қандай революциянинг бош масаласи бўлган давлат ҳокимияти тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ҳам ижодий тарзда ёндошди. Большевиклар фикрича, чоризм ағдариб ташланиши натижасида ишчилар синфи ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси ўрнатилмоғи даркор. Бу диктатура революция ғалабаларини ҳимоя қилиб қолиш мақсадида ўрнатилади.

Вақтли революцион ҳукумат ишчилар синфи ва деҳқонлар революцион-демократик диктатурасининг снёсий органи бўлиши кўзда тутилди. У меҳнаткашларнинг энг яқин вақт ичида амалга ошириладиган талабларини бажариши лозим эди. Қулай шароит вужудга келганда эса ишчилар синфи партиясининг вакиллари ҳар қандай аксилинқилобий кучларга қарши аёвсиз курашиш ва пролетариатнинг ўз манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида ана шундай ҳукумат составига киришлари даркор.

Съезд РСДРПни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, партиянинг ташкилий нормаларини жиддий қараб чиқди. Уставнинг биринчи параграфи Ленин қоидаси бўйича қабул қилинди, унда янги типдаги партия таърифи, партияга аъзоликнинг шартлари белгиланди. Партиянинг икки маркази (Марказий Комитет ва Марказий Орган) ўрнига ягона марказ — Марказий Комитет тузилди. Унинг съезд сайлаган янги составини В. И. Ленин бошқарди. У партиянинг янги марказий органи — «Пролетарий» газетасининг редактори қилиб ҳам тасдиқланди.

Ленин партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш ва унинг жанговарлик қобилиятини ошириш мақсадида энг онгли ишчиларни партия комитетларига киритишни қатъий талаб қилди. Унинг фикрича, ишчиларда синфий инстинкт яхши ривожланган бўлиб, озгина снёсий кўникма бўлса, улар тез орада мустаҳкам марксистлар бўлиб етишадилар.

РСДРП III съездининг қарорлари, ғоя ва ҳулосалари кейинчалик В. И. Ленин томонидан «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» асарида илмий жиҳатдан асослаб берилди. Булар чоризм устидан ғалаба қозониш учун курашда барча партия ташкилотлари томонидан жанговар кураш программаси сифатида қабул қилинди.

Съезд қарорлари ишчилар ва коммунистик ҳаракат хазинасидан ўрин олиб, большевикларнинг революциядаги стратегия ва тактикасига замин бўлиб хизмат қилди. Ана шу стратегия ва тактика Улуғ Октябрь йўлини кўрсатиб берди.

Л. ШИРИКОВ,
тарих фанлари кандидати.



СОВЕТ ОЗАРБАЙЖОНИ 60 ЁШДА

Совет Озарбайжони ўзининг 60 йиллик юбилейини саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш билан кутиб олмоқда. Революцияга қадар гўгурт ва мих ҳам четдан келтириладиган бу республикада бугунги кунда кўплаб саноат корхоналари ишлаб турибди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 66 мамлакатига экспорт қилинади.

Республикада нефть ва нефтни қайта ишлош саноати билан биргаликда электротехника, асбоб қурилиши, химия, нефть химияси, электроника тармоқлари ҳам жадал ривожланаётир. Озарбайжон индустрияси революциягача бир йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳар 6 кунда бермоқда.

Қишлоқ меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Тўрт йилда давлатга дон, сабзавот ва мева сотиш беш йиллик планн бажарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилмоқда. Юздан ортиқ хўжаликлараро бирлашмалар ишлаб турибди.

Республикада социалистик маданият соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Минглаб мактаблар, ўнлаб маҳсус ва олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Бугунги кунда республиканинг ҳар уч кишисидан бири ўқимоқда. Олий ўқув юртларида Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун турли мутахассислар тайёрланади. Озарбайжон ёзувчиларининг асарлари дунё ва СССР халқларининг тилларига таржима қилинаётир. Республикада 35 музей, 3500 оммавий кутубхона, 14 давлат театри, филармония, минглаб маданият саройлари ва клублар бор.

Суратларда: «Нефтяные камни». Денгиз устидаги пўлат кўприк. Бу ерда республика да ишлаб чиқариладиган суюқ ёқилғининг тўртдан бир қисми тайёрланади; СССР Олий Советининг депутати Тарлан Мусаева Бардинси районидаги «Коммунизм» колхозида меҳнат қилади. Механик ҳайдовчи ўтган йили ўз агрегати бункеридан 500 тонна «оқ олтин» тўкди; 26 Боку комиссари мемориали.

В. Пашонко, Ф. Нуралиев, М. Чиануров фотолари. (ТАСС).

ЗИЛОЛ БОЙЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Шаҳримизнинг кун сайин чирой очиб, дов-дарахтларга бурканаётганлиги, янги-янги гулзорлар барпо этилаётганлигида шаҳар сув хўжалиги бошқармаси ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Кейинги йилларда ирригация шоҳобчаларини кенгайтириш, аҳолини сув билан таъминлаш, ободонлаштириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— Ўнта район территориясидаги 65 та канал ва 30 та сув насосларини назорат қиляпмиз, — дейди бошқарма бошлиғи Р. Исахўжаев, — 65 километрлик канал тармоқлари қайтадан ремонт қилинди.

Дарҳақиқат, шаҳар ирригация шоҳобчалари тармоғи бирмунча узайди. Куйбишев районидаги «Юзарик», «Ялангоч», Аюмал Икромов районидаги Бешқайрағоч, «Бирлик», Собир Раҳимов районидаги «Чигатой» каналлари кенгайди.

Шаҳримиз зилол бойлик ижодкорлари 1980 йил учун улкан режалар қабул қилишган. Жумладан 64 та гидротехник ва 30 та махсус сув тозалагич қурилмаларни ремонтдан чиқаришди. Сувларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик билан боғлиқ кўплаб тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда бошқарма ишчи-хизматчилари белгиланган манба ва шоҳобчалар ремонтини 1-Май байрами кунигача тугаллаш учун курашмоқдалар. Бунда П. Ўроздбоков, Х. Дўсмонов, В. Трушев, В. Никитин ва Т. Усмонов ва бошқалар ўрнак бўлмоқдалар.

О. ҚАНДИЕРОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР ИЗИДАН

ЮКСАК МАРРА САРИ

Ҳар ишнинг ўз вақтида бажарилганига нима етсин! Бригада миришкорлари ана шунга одатланишган. Мана, экиш маромида ўтказилганидан тез кунда ниҳоллар ҳам кўзга ташланиб қолди. Энди гектарларнинг тўла бўлишини таъмин этиш учун ҳушёр бўлиб иш олиб бориш лозим. Культивацияни ғоят эҳтиёткорлик билан ўтказиш талаб этилади.

Шийпон ёнидаги картани айланиб, далаларда чигитнинг униб чиқиш ҳолатини кўздан кечириб юрган бригадир Нафил ака Исмонов дилидан ана шу фикрларни қайта-қайта ўтказди.

Шу пайт қўшни картада тракторини ишга созлаётган механизатор М. Шобаҳромов келиб қолди. У гўё бригадирнинг фикрини уққандек савол берди.

— Культивацияни бошласак бўладими? — деди у.

— Бўлади, — деди бригадир.

Нафил ака яхши билади, Шобаҳромов моҳир механизатор. Экиш даврида ғайрат кўрсатди. Ҳамиша мусобақада олдинда борди. Энди бўлса ғўза парваришига ҳам биринчилар қаторида киришишга отланди.

Бригадир ҳал қилди:

— Сенга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Ҳозир тракторни жуда секин юргазиб, культивация ўтказиш керак. Ниҳоллар мурғак. Акс ҳолда нобуд бўлиши мумкин.

— Хотиржам бўлаверинг, устоз, — деди механизатор.

Бригадир механизаторга раҳмат айтиб, қўшни карта томон йўл олди.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари мўл ҳосил учун курашни тобора авж олдирмоқдалар. Бу курашда коммунист Нафил Исмонлов бошлиқ бригада деҳқонлари пешқадамлик қилаётирлар. Ўтган йили ҳар гектаридан 33,7 центнердан ҳосил олинган эди.

— Бу кўрсаткич бизни қаноатлантирмайди, — деди бригадир, — никоннятимиз бор, тажрибамиз ҳам етарли. Бундан уч йил илгари худди ана шу ерларда 43 центнердан хирмон кўтарган эдик. Эришган натижаларимизни пухта таҳлил қилиб, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ҳисобига ҳосилдорликни кескин оширамиз. Областимизнинг бир группа пахтакорлари ташаббусига қўшилиб, ҳар гектаридан кам деганда 50 центнердан ҳосил олишга бел боғладик.

Миришкорлар яқинда матбуотда эълон қилинган область пахтакорлар Совети тавсиялари асосида иш олиб бормоқдалар. Карталарни бирма-бир айланиб кўчатларнинг ҳолати пухта текширилаётир. Лозим топилган ерларга сув қўйилмоқда. Ҳар гектар ерда ўртача 130 минг тупдан кўчат сақлаб қолинади. Асосий эътибор ҳосилни эрта етилтиришга қаратилади. Ана шу мақсадда биринчи культивация билан бир йўла ғўзани озиқлантириш тадбирлари кўрилади.

Фидокор деҳқонлар ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этиб, юксак марра сари дадил интилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «КИЧИК ЕР» КИТОБИГА ҚИЗИҚИШ ЗЎР

КОБУЛ, 23 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» асари — Афғонистон Демократик Республикасида энг машҳур асарларнинг биридир. Совет халқининг фашизмга қарши курашдаги қаҳрамонона жасорати тўғрисида ҳикоя қилувчи шу асардан ҳозир Афғонистоннинг марказий газеталари саҳифаларида ҳам парчалар босила бошлади.

Афғонистонда бу китобга қизиқиш ғоят катта. Худди шу боисдан матбуотда шу китобдан парчаларни босиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Ҳақиқате инқилобе савр» газетасининг бош редактори Сиддиқ Раҳпу. Биз афғонларда: «Агар киши чин қалбдан гапирса, унинг сўзлари ўзгаларнинг қалбларига жо бўлиб қолади», деган нақл бор. Халқнинг бу доно сўзлари «Кичик ер» китобига тўла-тўкис таллуқлидир, деди С. Раҳпу. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси бўлган Л. И. Брежнев бу китобда совет кишиларининг қаҳрамонлиги тўғрисида ҳикоя қилади, бутун инсониятнинг ашаддий душмани — фашизмни фош этади.

Замонамизнинг атоқли снёсий арбоби Л. И. Брежнев, деб давом қилди С. Раҳпу, урушнинг дастлабки кунлариданоқ ўзини Ватанга хизмат қилиш ишига бағишлади, жанговар операцияларда қатнашди, ғалабага эришиш йўлида тинимсиз иш олиб борди. «Кичик ер» китоби афғонларнинг қалбида, тинчлик ва тараққиёт учун, урушга қарши курашаётган барча кишиларнинг қалбларида абадий сақланиб қолади.

Афғон халқи ер юзида бахт-саодат бўлсин деб жуда катта қурбонлар берган совет халқининг жасоратига қойил қолмоқда. Улуғ Ватан урушидан кейин ўтган ўн йилликлар совет халқи тинчлик учун изчил ва қаттиқ кураш олиб борган йиллар бўлди. Бу курашни ер юзидаги барча тараққийпарвар кишилар қўллаб-қувватламоқдалар. Л. И. Брежневнинг номи халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ишига, бутун дунёда тинчлик учун кураш ишига ғоят катта ҳисса қўшаётган давлат арбоби сифатида ер курраси-нинг ҳамма томонларида яхши маълум, деб таъкидлади Сиддиқ Раҳпу.

ВСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ РАДДИЯСИ

ХАНОЙ, 23 апрель. (ТАСС). ВСР ташқи ишлар министрлигининг вакили баёнот бериб, унда Таиландаги бир қанча газеталарда босилган ва ғарб информация агентликлари эшиттирган хабарлар рад этилади. Бу хабарларда Вьетнамнинг Кампучия Халқ Республикасига ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларга нисбатан тутаётган позицияси бузиб кўрсатилган.

Вьетнам ғўё КХРнинг суверенитетига тажовуз қилмоқда, деган гаплар ғирт ёлғон уйдирмалардир, деб таъкидлади вакил. Кампучиянинг ҳамма проблемаларини Кампучия халқининг ўзи ҳал этмоқда. Халқ Революцион кенгаши шу халқнинг бирдан-бир қонуний вакилидир.

ВСР ҳукумати Кампучия халқ революцион кенгашининг адолатли снёсатини тўла-тўкис маъқуллайди ва қатъиян қўллаб-қувватлайди, Кампучия халқининг манфаатларига даҳлдор бўлган проблемалар кўриб чиқиладиган бирон-бир халқаро конференция шу мамлакатнинг ҳамма ички ва ташқи ишларини бошқараётган Кампучия халқ революцион кенгашининг розилиги ва иштироки билан ўтказилиши керак.

Асеан ташкилотига кирувчи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига келганда шуни айтиш керакки, деб уқтирди ВСР ташқи ишлар министрлигининг вакили. Вьетнам улар билан муносабатларини ҳамиша ҳаваҳ мамлакатлари ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ҳамда региондаги барқарорликни мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик учун курашни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзининг тинчликсевар ташқи снёсати асосида қуришга интилиб келди.

Вьетнам ҳукумати шу принципларга амал қилиб, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини қизиқтирувчи проблемалар хусусида улар билан икки томонлама маслаҳатлашувларни бошлашга тайёр, деб таъкидлади ВСР ташқи ишлар министрлигининг вакили.

ЧАДДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 23 апрель. (ТАСС). Чад пойтахти Нжаменадан олинган хабарларга кўра, у ерда миллий бирлик ўткинчи ҳукуматининг раиси Г. Уэддей қўшинлари билан миллий мудофаа давлат министри Х. Хабре қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Ахборот агентликлари Того президенти Г. Эйадема ёрдамида ўт очишни тўхтатиш юзасидан битимга келиш мақсадида тузилган комиссия ҳозирча бирон бир натижага эриша олмаганлигини уқтириб ўтади. Агентликларнинг хабар қилишича, Чад миллий бирлик ўткинчи ҳукуматининг бош секретари М. Н. Барка Ғарбдаги баъзи мамлакатларни, шу жумладан Миср, Саудия Арабистони ва Суданни Чадга қарши фитна уюштиришда айблади.

Матбуот Миснинг Чадга қурол-яроғ юборaётганлиги тўғрисида бундан илгари хабар берган эди. Металлург ишчилар касаба союзларининг яқинда Браззавилда ўз ишини тамомлаган халқаро конференциясининг якунловчи ахборотида таъкидлаб ўтилганидек, Чаддаги ҳозирги воқеаларга қитъанинг табиий бойликларини талаш учун шароит яратиш мақсадида Африка давлатлари ишига аралашаётган империалистик кучлар ва уларнинг хомийларн айбдордир.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 23 апрель. (ТАСС). АҚШ конгрессидаги «қузғунлар» маъмуриятга жўр бўлиб, мамлакатда Эронга қарши вассасани авж олдирмоқдалар.

Америка конгресси вакиллар палатасининг ташқи ишлар комиссияси АҚШ ҳукуматининг Эронга нисбатан жазо чораларини яъни у билан дипломатия муносабатларини узиш, иқтисодий дўқ-пўписа, Америка гражданларининг шу мамлакатга бориш-ларини тақиқлаш, Эроннинг ғайриқонуний равишда ушлаб қолинган молиявий маблағларини талон-тарож қилиш йўлидаги ўринишларини ва бошқа чораларни батамом қўллаб-қувватловчи резолюция қабул қилди.

Ж. Картер маъмурияти ҳозирдаёқ жорий этилган «жазо чоралари» билан қаноатланиб қолмай, гаровга олинган кишиларни АҚШнинг Теҳрондаги элчихонасининг ёсусликда айблаб ушлаб турилган ходимларини озод қилиш баҳонасида ҳарбий куч қўлланиш билан таҳдид қилмоқда.

АҚШнинг собиқ давлат секретари Г. Киссенжер Эрон Ислом Республикаси шаънига қилинаётган дўқ-пўписалар кампаниясига қўшилди. Америка матбуотининг хабарларига кўра, у Мадридда ўтказилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, маъмурият Эронга қарши ҳозирдаёқ кўрган чоралар билан чекланиб қолмай, бундан ҳам «каттароқ чоралар» кўрилишини талаб қилди.

ТЕҲРОН, 23 апрель. (ТАСС). Эрон нефть министри А. Мойинфар Форс агентлиги мухбири билан суҳбатда айтдики, Эрон ҳукумати АҚШдан ўрнак олиб унга нисбатан душманлик позициясини эгаллаган мамлакатларга нефть сотмаслик тўғрисида қарор қабул қилди. Министр Эрон ўтган йил мобайнида нефть экспорт қилишдан олган даромадлар ҳисобига ўзининг валюта резервларини кўпайтирганлигини маълум қилди. Эрон, деб таъкидлади у, Эронга қарши кўрилаётган иқтисодий чораларга қўшиладиган мамлакатларга нефть сотишдан воз кечади. Шундай бўлган тақдирда истеъмолчи мамлакатлар «қора рўйхат»га киритилади.

ХАЛҚ ҚАЛБИДА БАРҲАЁТ

«Мен элимнинг юрагида яшайман» деб башорат қилган бахт ва шодлик қўйчиси Ҳамид Олимжон чиндан ҳам халқимиз ардоғидаги улкан истеъдод соҳиби, она-юртимизнинг ес фарзандидир. Ўтган куни Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида шоирнинг 70 йиллик юбилейига бағишланиб ўтказилган илмий-назарий конференциянинг мазмунини ана шу сатрлар белгилади.

Институтнинг педагогик коллективи ва студентлари конференцияга меҳмон бўлиб келишган таниқли адиб, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Назир Сафаров, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоир Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжоннинг синглилари — Сабоҳат Қобилова, Муҳаббат Ғуломоваларни қизғин кутиб олиб, гулдасталар тақдим этдилар.

Йирилишни институт проректори, физика-математика фанлари кандидати М. Сайдаматов қисқача кириш сўзи билан очди. У Ҳамид Олимжон ижодининг ўзбек совет адабиётида тутган ўрни тўғрисида гапириб, магнит лентасига ёзилган «Ғалаба қўшиғи» шеърини шоирнинг ўз овозида эшитишни таклиф этди.

Сўнгра ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти А. Рашидов «Ҳ. Олимжон — она-Ватан куйчиси», кафедра мудири, доцент Т. Бобоев «Зайнаб ва Омон» поэмасида ҳаёт материали ва бадиий тўқима», иқтисодий география кафедрасининг мудири, доцент М. Набиҳонов «Ҳ. Олимжон— она табиат ошиғи» мавзуларида қизиқарли доклад қилдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва шоирнинг синглиси — С. Қобилова, Ҳ. Олимжон ҳақидаги ўз хотираларидан сўзлаб бердилар: шоирнинг баъзи шеърларини ўқишиб, уларнинг ёзилиш тарихи, Ҳ. Олимжоннинг ажойиб фазилатлари хусусидаги суҳбатлари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. А. Орипов шоирнинг барҳаётлигини таъминловчи маънавий омиллар ҳақида фикр юритиб, ўзининг «Ҳамид Олимжон хотирасига» шеърини ўқиб берди. Сўнг йиғилиш қатнашчилари эътиборига шоирнинг ҳаёт йўли ва ижоди акс эттирилган ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

Ҳамид Олимжон юбилейига бағишланган илмий-назарий конференция институт бадиий ҳаваскорларининг концерти билан ниҳояланди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕТАКЧИЛАРИ

БРИГАДИР

ДАЛАДА кечки экинлар учун эгат тортаётган тракторнинг овози тинди. Ундан енгилгина сакраб тушган йигит анча вақтдан буён ўз ишини кузатиб турган Ҳикоят опа ёнига келди. Афтидан, бригадирга нимадир ёқмаётган эди. Шу сабабдан у тракторчини яқинлашмасданоқ бироз койигандек бўлиб, кўчат экиш учун ниҳоятда тўғри ва сифатли эгат тортиш керак-лигини тушунтирди. Шунингдек, бошқа ишлар ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатди. Йигит яна трактори моторини ўт олдирди.

Бригадирнинг бу ердаги ишдан энди кўнгли бироз тасвин топгандай бўлди. Сўнг парникларда кўчат саралаётган аёллар томонга кетди. Опанинг ҳозирги долзарб вақтдаги мақсади — ҳар бир ғаннмат кундан самарали фойдаланиб, кўчатларни сифатли экиб олиш. Акс ҳолда, ўтган йилларда-тидек, об-ҳаво серёғин келса, ҳосил тақдири хавф остида қолади.

Ҳикоят Қосимованинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, унинг деҳқончилик касбининг устаси эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Биринчи бор 1945 йили Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига ишга келганида 15 яшар қизча эди. Бу ерда у тажрибали, уста деҳқонларнинг кўрсатган йўл-йўриқларига амал қилди.

Ҳ. Қосимованинг тиришқоқлиги, ўзига топширилган ҳар бир ишни бекамм-кўст бажариши ва қолаверса, тенгдошларини ҳам ҳар қандай шароитда ҳосил тақдири учун курашга бошлай олиши кўпчиликнинг назаридан четда қолмади. Уни 1965 йили пиллакорлар звеносига бошлиқ этиб тайинлашди.

Ҳикоят Қосимова ўзига топширилган ёр вазифани шараф билан уддалади. У бошчилик қилган звено аъзолари ўша йили ҳар қутидан 75—80 килограммдан юқори сифатли пилла олишди. Пиллар ўтиши билан эса бу кўрсаткич тобора ортиб борди.

1973 йил Ҳ. Қосимованинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. У узоқ йиллар бир хўжаликда самарали ишлаганлиги ва пиллачиликда яхши натижаларга эришаётганлиги учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Шунингдек, колхоз правлениеси мукофот тариқасида енгил автомашина берди.

Ҳикоят опанинг Оржоникидзе номли совхознинг 1-бўлимидаги биринчи бригадага бошчилик қилаётганига уч йил бўлапти. У бригадирлик фаолиятини бошлаган дастлабки йилиёқ 530 тонна сабзавот ва 397 тонна мева ҳосили етиштирилиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ортиги билан уддаланди.

Ҳозирги кунда бригаданинг И. Абдужалилова, С. Юнусова, З. Ирисметова, Н. Қурбонов, Ш. Қосимов ва механизатор Б. Ғойипназаров каби азамат ишчилари 1980 йилда ҳосилдорликни янада ошириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Уларнинг бу йилги режалари улкан. 33 гектар ерга сабзавот экинлари экиб, ундан 600 тонна ҳосил олиш мўлжалланган. 40 гектар ердаги олмазорда мўл ҳосил етиштириш, бундан ташқари бригадада 15 қути ипак қурти боқиб, 840 килограмм ғалла сифатли «кумуш тола» олиш плаклаштирилган.

Бундай улкан режани амалга ошириш учун ўтган йили кузлаёқ замин ҳозирлай бошланди. Ерлар сифатли шудгорланиб, маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйдирилди. Олма дарахтларига шакл бериб, қатор оралари ҳайдаб қўйилди.

Бригадада қиш бўйи бу йилги мавсум учун 300 минг туп карам, 200 минг тупдан ортиқ помидор, 100 минг тупдан зиёд бақлажон ва бошқа экинлар кўчати тайёрланди. Шу кунгача эса 4 гектар ерга карам, 3 гектар ерга картошка ва 3 гектар ерга бодринг экиб қўйилди.

Яқинда Ҳ. Қосимова «Октябрь революцияси» ордени билан мукофотланди. Бу унинг меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Қ. КАРИМОВ.

Бизнинг ахборот

БАҲОР ВА ЁЗ ЛИБОСЛАРИ

Баҳорда қандай кийиниш керак?

Тошкент моделлар уйида ташкил қилинган кўргазма бу саволга жавоб беради.

КЎРГАЗМАДА 60 дан ортиқ замонавий моделдаги янги либослар намойиш қилинмоқда. Баҳорги енгил пальтолар, костюмлар, дам олиш либослари кўргазмадан кенг ўрин олган.

Модалар уйи коллективи ҳам аҳоли талаб ва истакларини ўрганиш мақсадида жойларда бир неча кўргазма ташкил қилди. Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинати, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида уюштирилган кўргазмани кўплаб ишчи ва хизматчилар мароқ билан кўздан кечирдилар. Кўрик давомида улар баҳорги ва ёзги либосларни янада кўркам ва қулай қилиб тайёрлаш ҳақида маслаҳат бердилар.

СПОРТ КОМПЛЕКСИ

Ғалаба районида физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

ҲОЗИРГИ пайтда районда 20 мингдан кўпроқ йигит ва қиз спорт билан шуғулланмоқда. Улар ўртасида СССР спорт мастерлари ва мастерликка номзодлар, 2 мингга яқин разрядли спортчи бор. Қишлоқ спортчилари область ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Районда спортнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бораяпти. Қишлоқ ва посёлкаларда кўплаб футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ташкил этилди. «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидаги стадионда эса ҳалқаро мусобақалар ҳам ўтказилади.

Яқинда район марказида яна бир спорт комплекси қурилиши бошланди. Бу комплексда 5 минг спортхиҳосмандига мўлжалланган стадион, машқ ўтказиладиган майдончалар, сузиш бассейни бўлади. Янги спорт комплексини яқин кунларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

М. ЗАРИПОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда редакция фан, олий ўқув юртлари ва маданият бўлимининг мудири С. Ҳасанов газетада ахлоқ мавзуидаги мақолаларни ёритиш, бу мавзуда жойлардан келган хатларни текшириш ва таҳлил қилиш хусусида суҳбат ўтказди.

Кекса жамоатчи мухбир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттох Набиҳўжаевнинг суҳбати ҳам тингловчилар учун қизиқарли ва фойдали бўлди. У ўзининг ўттизинчи йиллардан буён матбуот билан алоқадор фаолияти ҳақида гапириб берди.

«УНИВЕРСИТЕТЛАР ДЎСТЛИГИ» ҲАФТАЛИГИ

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Тошкент Давлат университетида III «Университетлар дўстлиги» фестивали ўз ишини давом эттирмоқда. Бу илм даргоҳида Иттифоқимиз ва чет эллардан ташриф буюрган йигит-қизларнинг шодиёнаси, байрам кайфияти мавж урмоқда. Қаерга боқманг, студентларнинг қизғин суҳбатлари, кўнгилочар кулгиларини кўрасиз, дўстлик ҳароратини юракдан ҳис этасиз.

Люба ШВЕЙДОВА: — Прага Давлат университетининг аълочи талабаси:

— Дўстлик — катта кучқудратга эга. У кишиларни ўзаро ҳамкор бўлиб ишлашга, ўқишга ва яшашга ўргатади. Дўстлик бор жойда аҳиллик, иноқлик баркамоллик қарор топади. Бу ҳалқаро фестиваль ҳам дўстлик, қардошлик принципларига асосланган.

Тошкент Давлат университетида 70 миллат вакилларининг дўстона, бир оила фарзандларидек аҳил ўқиб, билим олишлари катта таассурот қолдирди. Мен гўзал Тошкент шаҳрида, бу катта байрамда иштирок этаётганимдан беҳад бахтиёрман. Шаҳар ўзининг кўркам, обод боғ-роғлари, хушманзара ҳиёбонлари билан кишини ўзига мафтун этади.

Фестивалда ҳамма ўз билими, меҳнати, тажрибасини намойиш этиши керак. Биз ҳам ёшлар анжуманига алоҳида туҳфа тайёрлаб келдик. Чех халқининг миллий куй ва қўшиқларини ижро этиб, миллий санъатимизни намойиш этиш ниятимиз бор.

Мен ўйлаймаки, бу фестиваль барча ёшлар қалбида унутилмас воқеа бўлиб қолади.

С. А. КРОЧАК: — Новосибирск Давлат университети талабаси:

Мен кеча ўзбек халқининг миллий бош кийими дўппини кийдим. Бу мен учун ўзбек халқи меҳмондўстлигининг рамзидир.

Биз бугун Тошкент Давлат университетининг ректори Т. Саримсоқов қабулида бўлдик. Ректорнинг иссиқ сўзлари, делегация раҳбарларининг жавоб нутқларидаги дўстлик нафоси бизни тўлқинлантириб юборди. Суҳбат жуда кўнгилли ўтди ва ҳақиқий интернационал дўстлик байрамига айланди.

Биз ҳам фестивалда фаол қатнашиш ниятидамиз. «Сирена» дискотекамиз Сибирь ўлкаси тароналари билан таништиради.

Бундан кейин ҳам биз Тошкент давлат университети билан узвий алоқада бўлиб, жамоатчилик касблари факультети ишини ташкил этишда орттирган озми-кўпми тажрибамиз билан ўртоқлашиш мақсадимиз бор. Студентлик — олтин даврдаги яқин ҳамкорлигимиз начиҳ давом этаверсин.

Белла МАРОШИ: — Будапешт университети талабаси:

Мен дўстларим Габор Диньеш ва Жорж Папаштий билан Тошкентга келган пайтданоқ, бу азим шаҳар кишилари ниҳоятда меҳмондўст эканлигини қалбдан ҳис қилдим.

Тошкент — кўкаламзор, гулзор шаҳар. Кеча оқшом шаҳарни айланар эканман, истироҳат боғларининг хушҳаволиги, рангоранг гуллари, осмонга отилиб турган фонтанларини кўриб, ажиб ҳислар қалбимни тўлдирди.

Бизнинг университет Тошкентдаги фестивалда биринчи маротаба қатнашмоқда, ўйлайманки, бу охиргиси эмас. Биз бундан кейин ҳам дўстлик ипларини маҳкам боғлаб, тажриба алмашамиз, студент қурилиш отрядларимиз бу ерга келадилар, биз ҳам ўз юртимизда қардошларни кутамиз.

Ишончим комилки, дўстлигимиз кечагина университет боғига ўтказган дарахт кўчатларидек йилдан-йил авж олиб ўсиб, гуллаб-яшнайверади.

Изгелди РАЖЕПОВ: — Туркманистон университетининг талабаси:

Тошкент — дўстлик, бародарлик шаҳри. Худди шу гўзал Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлиб турганлигимдан беҳад хурсандман.

Мен «Университетлар дўстлиги» фестивали қатнашчилари билан бирга В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилдим. Музей фойесига ўрнатилган доҳий ҳайкали қошида бир дақиқа сукут сақлаб, ёдгорлик пойига гуллар қўйдик. Венгрия, Болгария, Чехословакиядан, қардош республикалардан келган студент ёшлар билан музей залларини томоша қилар эканмиз, менда В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар, айниқса фотосуратлар катта таассурот қолдирди.

Кеча «Ёшлик» спорт аренасида университетлар дўстлиги III фестивали қатнашчилари мусобақаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу маросим мени янги ғалабалар сари чорлади.

Туркманистон Давлат университети физкультура ва спорт факультетининг 3-курсида ўқийман. «Дўстлик ҳафталигига» алоҳида тайёргарлик билан келдим. Бунда қардош спортчи дўстларим билан спорт турларида беллашмоқчиман.

Фестиваль биз учун ўзига хос тажриба мактаби бўлади.

Шу кунларда пойтахтимизда университетлар дўстлиги ҳафталиги ўтмоқда. Суратларда: ҳафталик ўтаётган Тошкент Давлат университетининг маданият саройи; Ригадаги «Политехник» дискотекасининг бир группа аъзолари Е. Ботиров фотолари.

УЛУГ ҒАЛАБАНИНГ 35 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

МОҲИР ТЎПЧИ

1941 йилнинг октябрь ойида армия сафига чақирилган Убай Алимбеков ўша кезларда йигирма ёшга тўлган йигитча эди. Тошкент тўқимачилик комбинатида шогирд бўлиб ишларди.

Ватанни ҳимоя қилиш учун отланган ёш жангчилар ўтказилган бир ойлик машқ ва машғулотлар даврида тўп қисмлари, ундан фойдаланиш йўлларини пухта ўргандилар ва моҳир артиллериячи бўлиб етишдилар.

14-артиллерия бригадасининг 153-артиллерия полкида ўз ҳарбий бурчини адо этаётган Убай Алимбеков 76 миллиметрли тўпга ўқловчи этиб тайинланди. 1941 йилнинг декабрь ойида бригада бир ҳафта йўл босиб, Ленинград бўсағасидаги темир йўл станцияси орқали Любан шаҳри атрофига бориб жойлашди. Бригада жангчилари борган куннинг эртасигаёқ Любан шаҳрида фашист-босқинчиларига қарши қизғин жангга киришиб кетдилар.

Қаҳратон қиш. Ленинград душман томонидан қуршаб олинган. Фашист газандалари шаҳарни тинмай бомбардимон қилишни давом эттирарди. Ноябрь ойида Ладога кўлини муз қоплади. Катта ер билан алоқа узилиб қолди. Бироқ бу узоққа бормади. 20 ноябрь куни муз устидан йўл очилди. Унда биринчи бўлиб, отаравалар карвони, сўнгра автомашиналар колоннаси ўта бошлади. Халқ «Ҳаёт йўли» деб атаган бу йўл орқали кемалар ва машиналар икки йилдан зиёдроқ вақт ичида ленинградликларга озиқ-овқат, жангчиларимизга эса ўқ-дори, қурол-яроғ етказиб турди. Душман Ладога кўлидаги ҳаракатни тўхтатиш учун ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, ўз мақсадига етолмади. Мингларча баҳодирлар уни қаҳрамонона мудофаа қилдилар.

Артиллерячилар бригадаси Любанда икки қиш сурункасига мудофаа жанги олиб борди. Душманнинг ниҳоятда мустаҳкамланган таянч пунктларига юзларча тўпларнинг оғзи тўғрилаб қўйилган эди. Фронт қўмондонлигининг буйруғи билан 1943 йилнинг январь ойи бошларида Волхов ва Ленинград фронтларининг қўшинлари душман қуршовини ёриб ўтиб 1-ишчилар шаҳарчасида бир-бирлари билан қўшилдилар.

Бу воқеа 1943 йилнинг 18 январь куни рўй берган эди. Қизғин жанглар тўхтовсиз давом этди. Орадан тўққиз кун ўтгач, Ленинград душман исканжасидан бутунлай озод этилди. Мана шу жанглар вақтида ўқловчи Убай Алимбеков қўли ва бошидан оғир ярадор бўлди. У Ленинграддаги ҳарбий госпиталда ўн ой ётиб, даволаниб чиқди. Уруш ногиронлиги бўлиб қолди.

Ватан жасур ва матонатли ўғлининг гитлерчиларга қарши курашда кўрсатган маҳоратини юксак тақдирлади. Любан шаҳрида бўлган даҳшатли жанглар вақтида тўп расчётидагилар душманнинг ажал уруғи сочиб келаётган оғир танкини мажақлаб ташлагани учун орден ва медаллар билан мукофотландилар. Убай Алимбеков Қизил Юлдуз ордени билан, Ленинград қамалини ёриб ўтишдаги жанговар фаолияти учун «Жанговар хизматлари учун» медали билан, Нарва шаҳридаги олиб борилган жанглар вақтидаги мардлиги ва матонати учун иккинчи марта Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланган эди.

Ватан уруши ветерани Убай Алимбеков қонли жангларда ёнма-ён туриб жанг қилган қуролдош дўстларини асло унутмайди. У ҳозир ҳам тирик қолган дўстлари билан хат орқали алоқа қилиб туради. Ҳар йили Ленинград ва Нарвага бориб, ҳалок бўлган дўстлари ёдгорлигини пойига гулчамбарлар қўйиб қайтади.

Уруш ногиронлиги Убай Алимбеков ҳозир Тошкент тўқимачилик комбинатида хизмат қилмоқда. У тўрт фарзандининг отаси.

Адҳам РАҲМАТ.

МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ЎЙИН

Суратларда: [юқорида] тўп учун кураш; [пастда] ЦСКА дарвозасига биринчи тўп киритилди.

В. Молгачев фотолари.

«Пахтакор» [Тошкент] — ЦСКА 3:0 [1:0]. Тошкент Марказий «Пахтакор» стадиони. 22 апрель. 30 минг томошабин.

Учрашув судьялари: Г. Ганцеладзе, Н. Амираджиби, У. Пурцеладзе [ҳаммаси Тбилисидан].

«Пахтакор»: Яновский, Кадейкин, Энис, Никифоренко, Денисов, Соловьев, Нортожиев, Файзиев [Новиков, 53], Кухлевский, Церетели [Ким, 46], Амриев.

ЦСКА: Астаповский, Букиевский, Швецов, Пасечник, Аджем, Глушаков, Чесноков, Дубинин [Петросян, 30], Тарханов, Коробочка, Дулик.

Тўпларни Н. Нортожиев [24-минутда 11-метрдан, 84] ва Никифоренко [51] киритдилар.

Учрашув бошланиши олдидан судьялар хонасида командалар состави билан танишиб, трибуна томон йўл олар эканман, пахтакорчилар устози Тўлаган Исоқов билан суҳбатда бўлдим. У мендан дублёрлар состави ҳақида икки оғиз радиоузел орқали ахборот беришимни илтимос қилди. Мен унинг қувончли хабарини мухлисларга етказганимда, ҳамма бу хушхабарни қарсак билан қутиб олди. Пахтакорчиларнинг марказий Армия спорт клуби командаси билан бўладиган учрашувидан бир кун олдин шу коллективларнинг дублёрлар составлари «Халқобод» стадионида учрашган ва бунда майдон эгалари 1:0 ҳисобида ғолиб келиб, бешта ўйинидан кейин 9 очко билан олий лига дублёрлари бахсида карвонбошиликни қўлга олган эдилар. Ягона тўпни Вячеслав Ким киритди.

Асосий составлар ўйини майдон эгаларининг тўла устунлигида ўтди. Гап командамизнинг 3:0 ҳисобида устун келганлигида эмас, балки тошкентликларнинг бутун ўйин давомида баҳамжиҳат, аҳиллик билан юқори суръатда ҳаракат қилганлигидадир.

«Пахтакор»нинг қанот ҳужумчилари Нуриддин Амриев билан иккинчи бўлимда Зураб Церетели ўрнига тушган Константин Новиков рақиб ҳимоячиларини шунчалик довдиратиб қўйдиларки, армиячилар бу ҳужумчиларимизга эътиборни кучайтираман деб марказни бўшаштириб қўйишди. Натижада Нортожиев, Соловьев, Файзиев ва Кухлевскийлар дадил ҳужумга ўтиб, рақиб дарбозасини бир неча бор нишонга олишди. Бу учрашув «Пахтакор»нинг мавсумдаги энг яхши ўйинларидан бири бўлиб қолади.

Ўйинидан кейин Марказий Армия спорт клуби катта тренери Олег Базилевич билан суҳбатда бўлдик. У камгап эди.

— Нима ҳам дердим. «Пахтакор» ҳар тарафлама устунлик қилди.

Биз ўтган мавсум тошкентликларга устозлик қилган О. Базилевичнинг аламли чеҳрасига қараб туриб, кайфиятини тушундик. Кейинги савол ортиқча эди.

— 20 йилдан бери «Пахтакор»нинг мухлисиман,— дейди Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Аҳмаджон Умаров,— тошкентликларнинг кучли командалар устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонганлигини кўп кўрганман. Ҳаммаси эсимда. Лекин бу ўйиннинг менга ёққан томони шу бўлдики, бутун 90 минут давомида командамиз бир текисда — фақат ҳужумни ўйлаб иш тутди.

Бешинчи турда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қайрат» — «Торпедо» — 0:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Москва) — 1:0, «Нефтчи» — «Спартак» — 0:0, «Арарат» — «Зенит» 2:2, «Кубань» — «Динамо» (Минск) — 0:1, «Динамо» (Киев) — «Локомотив» — 2:0, «Черноморец» — СКА — 0:0, «Шахтёр» — «Карпати» — 1:1.

Бу турда жами 14 та тўп киритилди. Уч ўйинда майдон эгалари ғолиб келган бўлса, икки учрашув меҳмонлар файдасига тугади. Саккиз команда тўрт дурангга имзо чекди.

Командаларнинг 5 турдан кейин жадвалдаги аҳволи қуйидагича:

Командалар:

	Ю	Д	М	Т	О
«Динамо» [К]	3	1	1	9—4	7
«Динамо» [М]	3	1	1	6—4	7
«Динамо» [Мн]	2	3	0	8—3	7
«Динамо» [Тб]	2	3	0	7—3	7
«Спартак»	2	2	1	6—2	6
«Шахтёр»	2	2	1	8—6	6
«Зенит»	2	2	1	6—6	6
СКА	1	4	0	5—4	6
«Пахтакор»	2	1	2	6—4	5
«Торпедо»	2	1	2	3—4	5
«Локомотив»	1	3	1	7—6	5
«Арарат»	1	3	1	5—5	5
ЦСКА	2	0	3	5—10	4
«Қайрат»	1	2	2	5—7	4
«Кубань»	0	3	2	3—5	3
«Черноморец»	0	3	2	1—4	3
«Нефтчи»	0	2	3	1—7	2
«Карпати»	0	2	3	2—9	2

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқатининг футбол шарҳловчиси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1 МАЙ СОАТ 13.00 да, 3 МАЙ СОАТ 19.00 да
Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Дилбар ФАЁЗОВА
Гаванада бўлиб ўтган XI жаҳон фестивалининг лауреати
Дилмурод ИСЛОМОВ
СОЛИСТЛАР:
Ғуломжон ЕҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Абдурашид МУСТАФАҚУЛОВ, Карима ТОПИЛОВА, Ҳарасхон ҲОЖИЕВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Зухра ҚОДИРОВА, Ўткир СИДДИҚОВ.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли
Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.
«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Қодир МУМИНОВ.
Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.
Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослаштирилган трести базасидаги
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ёритиш ва ёритгич тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоғи ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, газ-электр пайвандчи, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электромонтажчи, контрольулчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат қилиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1, 2, 3 ИЙЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирган ўқувчилар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат билан ҳамда кийимбош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирган ўқувчиларга (киномеханиклардан ташқари) ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига иш ҳақининг 50 проценти, қолганларга эса 33 проценти берилади.

Совет Армияси сафидан қайтиб келиб электро-монтажчи ихтисосига кириб ўқийдиган йигитларга ётоқхона берилади, ўқиш муддати қисқартирилади (ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ой). **Машғулотлар группалар комплектланган сўнг бошланади.**

Билим юртини тугатганлар техника ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юртидаги яхши спорт базасида 13 та спорт секцияси, шунингдек, техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, меднинна справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Ариза ва ҳужжатлар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (45, 33, 34, 70, 79, 54, 18, 58, 66, 3, 2-автобуслар, 14, 24, 7, 11, 9, 28-трамвайлар, 2, 6, 16, 13, 15-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Бремя. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ордёнон. 11.05 — Ёз охирлаб қолганда. Бадиий фильм. 12.15 — С. Есенин шеърларига ёзилган романслар ва қўшиқлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Португалиянинг озодлик кунига бағишланган кинопрограмма. 15.50 — Подмосковье учрашувлари. 16.20 — Моҳир қўллар. 16.50 — Қорақалпоғистон АССР санъат усталарининг концерти. 17.40 — Энг кучли. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳамдўстлик. 20.20 — Бор экан, йўқ экан, бир созловчи бўлган экан. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Кинопанорама.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — Болалар учун концерт. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Замондас. 14.20 — Бахтлар водийси. 17.30 — Қўғирчоқ фильм. 17.40 — Ёшлик. 18.05 — Ғолбий-тарбиявий иш ва корхона экономикаси. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳамид Олимжон ҳақида сўз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳамид Олимжон туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да Тирик мурда. МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да Ўжарлар, 26/IV да Зебн-Зебона.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да Отасининг қизи, 26/IV да Отилмаган ўқ.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 18 апрель сонида эълон қилинган ютуқли омонатлар расмий жадвалидаги А-359 счёт номерига 100 процент ўрнига 25 процент, А-366 счёт номерига эса 25 процент ўрнига 100 процент ютуқ чиққан деб тузатиб ўқилсин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»
ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН
«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЕҚЧА» ҳалқаро мукофотининг эгаси, ҳалқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист
ОТАР РАТИАНИ
Манежда — Ленинград цирки-нинг таниқли масхарабози, РСФСР халқ артисти Борис ВЯТКИН.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан ишлайди.
44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01956. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1592.